

**XDP**


1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№ 17, 2024-yil  
24-aprel,  
chorshanba (32.815)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



**Ўзбекистон ва Буюк Британия ТИВ раҳбарлари Тошкентда Кенг қамровли шерикчилик тўғрисидаги декларация ва Минтақавий ва халқаро боғлиқлик ҳамда инфратузилма соҳаларидаги ҳамкорлик меморандумини имзоладилар**

“Буюк Британиянинг Ташқи ишлар, Ҳамдўстлик ва тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Дэвид Кэмерон жаноблари билан учрашишдан мамнунмиз, – деб ёзди Ўзбекистон ТИВ раҳбари ўзининг telegram каналида. – Суҳбатимиз самарали ва мазмунли бўлиб, барча соҳалар бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган асосий вазифаларни белгилаш имконини берди. Иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратдик. Британия томонининг ишбилармон доиралар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга тайёргилини қадрлаймиз. Шунингдек, Кенг қамровли шерикчилик тўғрисидаги декларация ҳамда Минтақавий ва халқаро боғлиқлик ҳамда инфратузилма соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумини имзоладик”.

Эслатиб ўтаемиз, Буюк Британия ташқи сиёсат идораси раҳбарининг аввалги ташрифи 1996 йил январь ойида бўлиб ўтган эди.

“Дунё”АА.



**ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, АҲОЛИ БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ҚИЛИШ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ, МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ РАИСИ ТАНЗИЛА НОРБОВА БОШЧИЛИГИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ҲУДУДЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛМОҚДА.**



2

**ПИЁДАЛАРГА ЖАРИМА ОШАДИМИ?**




Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов республика ёшлари билан он-лайн форматда мулоқот ўтказиб, гоя ва таклифларини тинглайди.

## КАТТА ВА МУҲИМ КҮЧ



3



**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ**

**ҲАР ДОИМ ЭМАС, КЕРАГИДА ИШЛАТИНГ**

7

YANGI RUKN:

FAXRIYLAR MAKTABI

**САДОҚАТДА  
ЭЪТИҚОД  
МУЖАССАМ**

ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, УЛАР ЎЗ БАХТЛАРИНИ ОДАМЛАРГА ЭЗГУЛИК ТИЛАШ, ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, КАМЧИЛИК ВА КАМСИТИШЛАРГА БЕФАРҚ ҚАРАБ ТУРА ОЛМАЙДИГАН, ҚАЛБ АМРИ ФАҚАТ АДОЛАТ САРИ УНДАЙДИГАН КИШИЛАРДИР. ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРҒИЛОН ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЛАВОЗИМИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ ЎЗИДА АНА ШУНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ МУЖАССАМ ЭТГАНЛАРДАН.

5





ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН:

# ИТТИФОҚЧИЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Президент Шавкат Мирзиёев 18-19 апрель кунлари давлат ташрифи билан Тожикистон Республикасида бўлди.

Бу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очди. Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларда янги тарихий босқични бошлаб берган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Демак, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги тарихий давр бошланмоқда.



Махмуджон ПАРПИЕВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари олий даражадаги ўзаро ишончга асослангани, фаол мулоқот ва дўстона муносабатлар шарофати кенг қўламли натижаларда акс этаётгани билан эътиборга сазовор.

Икки қўшни халқ қадимдан қон-қардош бўлиб яшайди. Яшаш тарзимиз деярли бир хил, бир иқлим ва минтақадан, урф-одатлар, кийиниш маданияти, тўй-томошаси, ху-

нармандчилигидан тортиб маърифати ва санъати ўхшаш.

Давлатимиз раҳбарининг юксак иродаси туфайли ён қўшниларимиз билан бундан етти йил муқаддам асос солинган ўзаро яқинлик сиёсати бугунга келиб ўзининг улкан натижаларини бера бошлади. Икки давлат манфаатларига хизмат қилаётган савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кўлами йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

“Иқтисодий шарҳ” журнали маълумотига кўра, 2023 йилда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 756,8 миллион долларни ташкил этган. Экспорт ҳажми 605,0 миллион долларга етган. Экспорт асосини саноат ва кимё маҳсулотлари, ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва ускуналар, но-озик-овқат хом ашёси, хизматлар ташкил этади.

Халқларимизнинг қон-қардошлик ришталари тобора мустақкам бўлиб бораётганини икки давлат ўртасидаги чегара ҳудудларида борди-келди муносабатларининг

яхшилангани мисолида ҳам кўриш мумкин. Наманган вилоятининг Поп тумани Тожикистоннинг Сўғд вилояти Ашт тумани билан чегарадош. Президентимиз ташаббуси билан Тожикистон билан Наманган ўртасидаги чегаранинг очирилиши, иқтисод учун, тадбиркорлик учун, фуқароларимизни кириш-чиқишлари, сайёҳлар алмашинуви учун катта имконият яратди.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга бу галги расмий ташрифи доирасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоланиши биродар халқлар ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Ҳукуматлар олдида товар айирбошлаш ҳажмини 2 млрд долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Энди турли соҳалардаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан олий босқичга кўтариш имконияти яратилмоқда. Ўзаро муносабатлар туб манфаатларимизга мос миллий, минтақавий, маданий-гуманитар каби 28 та ҳужжатда акс этган ҳамкорлик иттифоқчилик даражасида давом этиши биродар халқлар бахту саодатига хизмат қилади.



Дилбар МАМАДЖАНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кейинги йилларда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари ривожланиб бормоқда. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг очик, дўстона сиёсати билан боғлиқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бўлишини маълум қилган эди. Йиллар давомида бир-бирдан узоклашган қариндошлар, дўст-биродарлар икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати сабабли бугун қон-қариндошлик ришталари қайта боғланди.

Галдаги ташриф давомида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларини қамраб

олувчи 28 та ҳужжат имзоланди. Хусусан, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартномани имзоланиши Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтаётганлигидан далолат беради. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартномани амалга ошириш учун барча даражаларда - парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сиёсий идоралар, вазирлик ва ҳудудлар ўртасидаги мулоқотлар самарадорлиги ошади.

Эндиликда чегараолди савдо механизмлари ва савдо инфратузилмаси ривожлантирилади. “Ойбек-Фотехобод” чегараолди эркин савдо зонаси ва “Андархон” савдо логистика марказини ташкил этиш янада самарадорликка хизмат қилади.

Ҳозирги кунга қадар Марказий Осиёда сув масаласи энергетика соҳаси билан узвий боғлиқ бўлган. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро мулоқоти чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш соҳасида конструктив ҳамкорликни давом эттириш соҳадаги муаммоларга ўзаро биргаликда ечим топишга хизмат қилади.

Илдизлари дўстлиги, шерикчилик ва шарқона қадриятлардан куч олаётган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар келгусида ҳам жадал тараққий этаверади, деб ишонамиз.

## PARLAMENT MUHOKAMASI

# Пиёдаларга жарима ошадими?

**ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ РИВОЖЛАНГАНИ САРИ УНИНГ ҚОНУНЛАРИ ҲАМ ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШИ ЛОЗИМ БЎЛАДИ. САБАБИ, ТАРАҚҚИЁТ ҲАЁТИМИЗГА ЯНГИДАН-ЯНГИ ТУШУНЧАЛАРНИ, ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ОЛИБ КИРАДИ. УЛАРНИ МУНТАЗАМ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА МОСЛАШТИРИБ БОРИШ ЖАМИЯТНИ ОРТИҚЧА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС ҚИЛАДИ. КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Кун тартибда биринчи бўлиб, “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳада ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланиш, сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, шунингдек, мультимедиа воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ёрдамида таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу билан бирга, “**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**”ги қонун Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция асосида **ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий инфратузилма объектларига тўсиқсиз кириши учун мослаштиришни** кўзда тутувчи меъёрлар билан тўлдирилмоқда.

Муҳокамалар якунида депутатлар лойиҳа бўйича ўзларининг таклифларини, тахририй тўзатишларини билдириб, қонуннинг аҳамиятини юқори баҳолашди. Шу тариқа қонун **бир овоздан** иккинчи ўқишда қабул қилин-



ди. Йиғилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун билан автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда транспорт воситасининг мулкдори тўғрисида маълумот мавжуд бўлма-са, шунингдек, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилишига оид маълумотлар жарима солиш тўғрисида **қарор чиқаришга ваколатли бўлган мансабдор шахсга 48 соат ичида юборилмаган бўлса, ишни кўриб чиқишни тугатиш белгиланмоқда.** Қарор чиқаришга ваколатли шахс эса 15 кун ичида жавобгарликка тортиш бўйича қарор чиқариши лозим бўлади. Акс ҳолда, ҳайдовчи жавобгарликка тортилмайди.

Бундан шу хулосага келиш мумкинки, мазкур қонун кучга кирган кундан бошлаб, ҳайдовчиларга қоида бузганлик ҳақида келган қарор лойиҳаси 17 кундан аввал содир бўлган бўлса, бундай ҳолда ҳайдовчи жавобгарликка тортилмайди.

**Дарҳақиқат, амалдаги қонунчилик жавобгарликка тортиш бўйича қарор лойиҳалари ҳайдовчиларга бир неча ойдан кейин ҳам юборилишига йўл очиб бермоқда. Бу ўз-ўзидан ҳайдовчиларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги.**

Маърузачи лойиҳани ўқиб эшиттирганидан сўнг, навбат муҳокамаларга келди. Қўйи палата вакиллари ўзларининг таклифларини билдириши билан биргаликда эътирозларини ҳам айтиб ўтишди. Жумладан, мазкур лойиҳада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК)нинг 138-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилиши кўзда тутилмоқда.

Унга кўра, “**Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудио-материалларни эшитиши, шунингдек, эътиборни чалғитадиган бошқа электрон**

**воситалардан фойдаланиши,** шунингдек, скутер, мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, индивидуал ҳаракатланиш воситаларини, уловчи аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлиқ берувчи, тақикловчи ёки қўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги, – **базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан икки қисми** миқдоридан жарима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Лойиҳанинг ушбу қисмида **пиёдаларга нисбатан жарима миқдори ҳам ошириб юборилаётганига эътибор қаратилди.**

Амалдаги қонунчиликка кўра, юқоридаги қонунбузарликларга **базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми** миқдоридан жарима қўлланлади.

**Депутатлар ташаббускорлардан фуқароларга нисбатан жарима миқдорининг оширилишига асос келтиришни сўрашди. Агар иккинчи ўқишда ҳам бунга асос тақдим этилмаса, фуқароларга нисбатан жарима миқдорини ўзгартириш қолдириш тўғрисидаги қарорни таъкидлашди.**

Шу куни мажлисда қонун лойиҳалари билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Транспорт вазирлиги И.Маҳкамовнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўлай ва хавфсиз транспорт орқали чет давлатларга етиб боришида шарт-шароитларни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги ахборотини эшитиш ҳақидаги таклифи ҳам муҳокама қилинди.

Таклиф депутатларнинг қарши овозсиз муҳокамадан ўтди ва Транспорт вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида палата қарори қабул қилинди.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини кўзга туриб, қонун қабул қилиш жараёни нечоғли катта маъсулият талаб қилишига амин бўласиз. Жараёнларда ҳар доим фаол бўладиган жонқуяр депутатлар маъқуллаб турган лойиҳалар ҳақиқатда яхши ишлаб чиқилган эканда, деб турганингизда, аввал ҳеч кўзга ташланмайдиган яна бир халқ вакили сўз олиб, қолганлар эътибор бермаётган жиҳатларга диққатингизни тортади. Ўйлаб қарасангиз, унинг фикрида ҳам жон борлигига иқдор бўласиз. Очик муҳокамаларда ҳеч бир жиҳат назардан четда қолмайди.

Шунда кучли жамият учун кучли парламент қанчалик зарур эканига яна бир амин бўласан киши.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





regulation.gov.uz | **NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHALARI MUHOKAMASI PORTALI**

Loyiha nomidagi kalit so'zni kiriting

Muhokama yakunlandi **24285** | Muhokama davom etmoqda **153** | Barcha hujjatlar **24438**

Atrof tabiiy muhit va tabiiy resurslar | Axborot va axborotlashtirish | Bank faoliyati | Davlat boshqaruvi asoslari

Fuqarolik qonunchiligi | Ijtimoiy ta'minot va ijtimoiy sug'urta to'g'risidagi qonunchilik. Ijtimoiy himoya | Konstitutsiyaviy tuzum | Mehnat va aholining bandligi to'g'risidagi qonunchilik

Mudofaa | Odil sudlov | Oila qonunchiligi | Prokuratura. Advokatura. Notariat. Yuridik xizmat. Adliya organlari. Fhdy organlari

Sog'liqni saqlash. Jismoniy tarbiya. Sport. Turizm | Soliq qonunchiligi | Ta'lim. Fan. Madaniyat | Tadbirkorlik va xo'jalik faoliyati

# КАТТА ВА МУҲИМ КҮЧ

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЖАМИЯТИМИЗДА ЧУҚУР ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА. БИЗ БУНИ ҚАДИМ-ҚАДИМДАН ШАКЛЛАНИБ КЕЛГАН "ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ" МИСОЛИДА КЎРИШИМИЗ МУМКИН. БУНДАЙ КЕНГАШЛАР МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ, ЎЗИНИ-ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲАМИША ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛИШ, ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА ЛОҚАЙД ҚАРАМАСЛИК КАБИ УМУМЖАМОА МАНФААТЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ВАЗИФАЛАРНИ САМАРАЛИ БАЖАРГАН.**

**БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИ ЖУДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш шундай жараёнки, унда барча фуқароларнинг, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли сезилиши керак. Мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик ҳислари кўпчилиқда шаклланиши, ҳаракатга айланиши муҳим.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг таъсир доираси кучайди. Воқеа-ҳодисаларга фаол билдириладиган муносабатлар кўплай камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилишига асос бўлмоқда.

Бирок белгиланган меъёрларга қарамай, давлат органлари ҳузурида тузилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти талаб даражасида ташкил этилмапти. Жамоатчилик ишлари аксарият ҳолларда номигагина, расмийлик учун фақат қоғозда ташкил этилган, реал ҳаётда уларнинг ўрни ва роли деярли сезилмаётгани кузатилмоқда.

Узоқ йиллар давомида давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳисоботларини эшитиш каби жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг шаклларида етарлича даражада фойдаланилмади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2019 йилги парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлардан сўнг аҳолининг ижтимоий қайфиятига таъсир кўрсатувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизаси механизмини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ғоясини илгари сурганди.

## ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

Ҳар бир демократик мамлакатда жамоатчилик назорати механизмига фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми сифатида қаралади. Янги Ўзбекистонда ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Буни, аввало, Конституциямизда давлатнинг жамият олдидagi масъуллиги мустаҳкамлаб қўйилганида кўришимиз

мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги белгиланган. Шунингдек, 36-моддада Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш, хусусан, жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши белгиланган. Бош қомусимизда бундай меъёрларнинг акс этиши жамоатчилик назорати институтига конституциявий-ҳуқуқий мақом берди, замин яратди.

Мутахассисларнинг фикрича, жамоатчилик назорати давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчилик иштирокининг замонавий, энг самарали шаклидир.

Республикада жамоатчилик назорати институтининг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этадиган қатор қонунлар қабул қилинди.

**"Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида"**ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишда дастуруламал бўлмоқда.

Таъсирчан жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси"да алоҳида мақсад сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани бежиз эмас.

**Тараққиёт стратегиясининг 12-мақсади "Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш"** деб номланиб, унда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тarmoқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш, айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш масалалари ўз ифодасини топди.

## ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ АСЛИДА НАЗОРАТДИР

Кейинги йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни манфаатдор идоралар билан келишиш ҳамда кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасидан ўтказиш амалиёти кенг жорий этилмоқда. Авваллари Ўзбекистонда бунга тасаввур қилиш қийин эди, тўғриси.

Давлат органлари томонидан илгари суриладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлиги тасарруфидаги **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали**да кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда янги усул ва воситалар, ёндашувларнинг пайдо бўлиши, замонавий технологияларнинг бу жараёнга кенг жорий этилиши жамоатчилик назорати субъектларига қулай имконият яратиш баробарида **мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада кучайтиришга ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.**

Натижада жамоатчилик муҳокамасини ташкил этишга қаратилган бир нечта махсус **"майдон"**лар яратилди.

Хусусан, "Мening fikrim" махсус веб-портали ташкил қилиниб, у орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Албатта, бу борада галдаги вазифалар ҳам турибди.

Жамоатчилик муҳокамаси натижаларини **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамалари портали» (regulation.gov.uz)** мисолида яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда ушбу порталга **24 минг 438 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган** бўлиб, улардан **24 минг 285 таси бўйича муҳокамалар якунланган.**

Яна бир ёрқин мисол, **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Конституциявий қонун лойиҳаси фуқароларимиз фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида тайёрланди. Жумладан, **умумхалқ муҳокамаси мuddати 2 марта узайтирилди ва бу даврда фуқароларимиздан жами 150 мингдан ортик таклифлар келиб тушгани ҳам жамоатчилик муҳокамасининг қамровини кўрсатиб турибди.**

## ЭНГ ИШОНЧЛИ МУҲОКАМА ВА НАЗОРАТ

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, уларнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Шаффофлик ва очиқликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Мисол учун, **2021 йилдан бошлаб «Очиқ бюджет»** ахборот портали ишга туширилди. Ушбу портал орқали ҳар йили икки марта (февраль, июль) ўтказиладиган **«Ташаббусли бюджет»** йўлга қўйилди. Бу умумманфаатли муаммоларни бевосита фуқароларнинг кўпчилик овози билан ҳал этиш имконияти бўлиб, амалиётда натижадорлиги билан ўзини оқламоқда. **Эътиборли жихати, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи йўналтириладиган «Фуқаролар бюджети» дастури** доирасидаги маблағлар жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфланмоқда.

Порталда жамоатчилик фикрини шакллантириш учун шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштириш таклиф этиладиган тадбирлар тўғрисида маълумотлар жойланмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар портал орқали бюджет қонунчилиги бузиладиган ҳақидаги хабарларни, бюджет жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифларни юбориши мумкин.

Рақамли технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда **data.gov.uz, my.gov.uz, regulation.gov.uz, d.xarid.uz** ва бошқа онлайн платформаларда маълумотлар очиқ эълон қилинмоқда, бу эса давлат идораларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорликни ҳис қилаётганини аниқлатмоқда.

Ҳар бир вазирлик ва идора маълумотлар очиқлиги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, ўзининг веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълумотларни мунтазам жойлаштириши ва янгилаб бориши амалиёти йўлга қўйилди. Бу ислохотлар натижасида Ўзбекистон **«Очиқ маълумотларни кузатиш» халқаро индексида 125 поғонага кўтарилди.**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жамоатчилик муҳокамаси, назоратининг қонун билан кафолатланиши юртимизни тубдан янгилашда катта таъсир кўрсатмоқда, энергия манбаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу биринчи навбатда ҳокимият ва аҳоли орасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашда ўз аксини топади. Аҳолининг ҳокимиятга бўлган кучли ишончи ҳар қандай жамиятга фаровонлик олиб келади.

Шу асосга кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат халқ олдида доим масъул бўлишини, жамоатчилик фикри катта ва таъсирчан кучга айланишини истади.

**Аброр ҚУРБОНОВ,**  
**ЎзХДП Марказий Кенгаши**  
**бошқарма бошлиғи.**

MENING FIKRIM | Жамоавий мурожаатлар портали | Ўзбекча | Русский | Кабинет

Барча мурожаатлар | Бу қандай амалга ошди? | Янгиликлар | Портал ҳақида | Кўп бериладиган саволлар | Очиқ маълумотлар

### Жамоатчилик ташаббуслари ягона платформаси

Сизни ўйлантираётган мавзулар бўйича таклифларингизни билдириш. Таклифингиз модераторлар томонидан текширилгандан сўнг улар Порталда эълон қилинади. Сизнинг жамоавий мурожаатингиз зарур миқдордаги овозларни олган тақдирда у Олий Мажлис палаталари ёки Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан кўриб чиқилади

Жамоавий мурожаат яратиш

**«Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши ЛОЗИМ»** | Ш.Мирзиёев | 22 декабрь 2017 йил

<b>Бюджет ва иқтисодиёт</b> Бюджет ва иқтисодий ислохотлар юзасидан	<b>Қонунчилик</b> Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари юзасидан	<b>Мехнат</b> Мехнат ва иқтисодий масалалар юзасидан	<b>Хавфсизлик</b> Мудofea ва хавфсизлик масалалари юзасидан
<b>Туризм ва бошқа масалалар</b> Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ...	<b>Савдо ва уй-жой ҳўжалиги</b> Саноат, қурилиш, савдо, тadbirkorлик ва уй-жой ҳўжалик ...	<b>Ер ва сув</b> Ағдар ва сув ҳўжалиги масалалари юзасидан	<b>Маданият ва спорт</b> Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари юзасидан
<b>Инсон ва жамият</b> Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи ...	<b>Инновациялар ва АКТ</b> Ахборот сўхтати ва ахборот технологияларини инновацион ривожлантириш ...	<b>Саломатлик</b> Фуқаролар соғлигини сақлаш масалалари юзасидан	<b>Экология</b> Экология ва атроф-муҳитни муhofaza қилиш масалалари юзасидан





MAHALLIY KENGASHLARDA

# ҚАШҚАДАРЁЛИК ДЕПУТАТЛАР ТАНҚИДДАН ҚЎРҚМАЙДИ

БУ ЙИЛ ҲИСОБОТ ЙИЛИ. ДЕПУТАТЛАР УЧУН САЙЛОВДАН КЕЙИН ЎТГАН 5 ЙИЛ ДАВОМИДА НИМАЛАР ҚИЛДИГУ, НИМАЛАРНИ БОЙ БЕРДИК, ДЕГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ПАЛЛА. ТЎҒРИ, БУ ҲАҚДА ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ФИКРИ ВА ҚАРАШЛАРИ БОР. АММО ХАЛҚ БЕРГАН БАҲО, ҚИЛИНГАН ИШ НАТИЖАСИ КЎП НАРСАНИ ОЙДИН-ЛАШТИРАДИ.

ЗЕРО, БУГУНГИ ОДАМЛАР КЕЧАГИДАН ТУБДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ. УЛАР ЖУДА ФАОЛ. ЖАМИЯТДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРГА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ, НУҚТАИ НАЗАРНИ БАЁН ЭТИШ БИЛАН БИРГА, ИШТИРОКЧИГА ҲАМ АЙЛАНГАН. ФАҚАТГИНА ТОМОША ҚИЛИБ ТУРИШ БИЛАН КЎНГЛИ ЖОЙИГА ТУШМАЯПТИ. МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, ЯХШИРОҚ ЯШАШ, ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ОДАМЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ БИРЛАШИШИ КЕРАКЛИГИНИ ТУШУНИБ, АНГЛАБ ТУРИБДИ. ЎЗИНИ ШУ ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ АЪЗОСИМАН, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИГАН ҲАР БИР ШАХС ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТИБ, КЕРАК БЎЛСА, ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА.

ШУЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР ЭКАНМИЗ, МАҲАЛЛИЙ ДЕПУТАТЛАРГА ЮЗЛАНДИК. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЧУН АЖРАТИЛГАН САҲИФАМИЗНИНГ БУ ГАЛГИ МЕҲМОНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЛАДИ. УЛАРДАН АЙРИМ САВОЛЛАРИМИЗГА ШАХСИЙ ҚАРАШИ ВА КУЗАТУВЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЖАВОБ КУТДИК. ПАРТИЯ ГУРУҲИНИНГ ТУМАНДАГИ ОБРЎСИ, ЎРНИ, КЕНГАШДАГИ ПОЗИЦИЯСИ ҚАНАҚА? ДЕПУТАТЛАРНИНГ БУГУНГИ КАЙФИЯТИ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙИШ МУМКИН?

ҲУДУДЛАРДАГИ ФАОЛЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИДАН СЎНГ, РАҚАМ ВА ФАКТЛАРГА ТЎХТАЛАМИЗ.



**Депутатлик ваколоти, бурч ва мажбуриятларини билмаган одам бу ишни юритишни ҳам билолмайди. Халқ билан мулоқот қилолмайди. 5 йил давомида битта депутатлик сўрови чиқармаган, боринги халқ олдида бир марта ҳам ҳисобот бермаган депутатлар чиқиб қолади. Депутатлик гуруҳлари, халқ депутатлари Кенгаш котибияти қийинчиликларга дуч келамиз. Шуниси аниқки, ташаббус кўрсатмаган, одамларнинг оғирини енгил қилмаган депутатнинг ҳурмати ҳам, обрўси ҳам бўламайди. Депутатларимиздан фаоллик, ташаббускорлик, танқидий-таҳлилий фикрлашни кутиб қоламиз.**

## “УРИБ ҚОЛИШ”ГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ



**Султон ҲАМРОЕВ,**  
Ўзбекистон ХДП Касби туман Кенгаши раиси,  
туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Халқ депутатлари Касби туман Кенгашидаги 27 нафар депутатнинг 9 нафари Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи аъзолари. Бир нарсани ишонч билан айта оламиз, партия гуруҳининг халқ орасида ҳам, депутатлар орасида ҳам обрўси яхши. Партия гуруҳимиз туман Кенгаши доимий комиссиялари, ҳокимлик ва ижроия органлар олдида ўз сўзига ва мустақам позициясига эга. Бирорта сессия йўқки, унда партия гуруҳи томонидан долзарб масалалар киритилмаган бўлса.

Масалан, туман Кенгашининг учта доимий комиссияси Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи аъзолари раислигида бошқариб келинапти. Бу ҳам бизга катта имконият беради. Юбораётган депутатлик сўровларимиз жавобсиз қолмайди. Аҳоли билан учрашувларда энг кўп мурожаатлар бизга билдирилади. Чунки кўтарилган масалалар ҳал этилгач, натижа етказилади, одамлар ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради.

Агар бирор жўяли таклифимиз инобатга олинмасдан қолса, тортишга, фикримизнинг асосли эканини исботлашга тўғри келади. Баъзида таклифимизни яхшироқ ўрганиб, қабул қилинишни котибиятдан қаттиқ талаб қиламиз ва мақсадимизни охирига етказамиз.

Яқинда фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тизимида олиб борилаётган ишлар ўрганилди ва 4 апрель куни сессияга киритилди. Ўзбекистон ХДП гуруҳи томонидан ўрганишлар жараёнида маълум бўлдики, пенсияларни тайинлашда иш стажини ҳисоблашда муайян камчиликлар бор. Шунингдек, пенсияларни туманнинг олис ҳудудларига етказиб беришда ечимини кутаётган бир қатор масалалар аниқланди. Пенсиядан кам бериш каби салбий ҳолатлар ҳам учраётганини ўргандик.

Юқоридагиларга асосланиб ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши қарор қабул қилди. Унга кўра, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғига йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилиши белгиланди. Халқ банки туман бўлими бошлиғи эса огоҳлантирилди.

Умуман, одамларни қийнаб келаётган яна бир масала ечим топадиган бўлди. Албатта, сессия қарорига эришиш бу йўлдаги илк натижа бўлса, унинг ижросини таъминлаш муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатишимиз зарур.

Энди депутатларнинг бугунги кайфиятига келсак, уларда бироз тушкунлик, лоқайдликни сезяман. Чунки бу йил сайловлар йили, ҳисобот беришимиз керак. Кимдир 5 йилда нима иш қилдим, нима деб жавоб бераман, деган андишада юргандир. Яна мени сайлашадими ёки йўқми, деган кетиш кайфияти ҳам, афсуски, йўқ эмас. Лекин энди ҳаммаси ўзгаряпти, депутатларга янги вазифалар берилиши айталяпти. Ҳеч иккиланмасдан токи ваколлатимиз тугагунга қадар шаҳдам ҳаракат қилишимиз зарур. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

## “НЕГА ДЕПУТАТ БЎЛГАНИНИ БИЛМАЙДИГАНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС”



**Назира ЭЛМУРОДОВА,**  
Ўзбекистон ХДП Яқкабоғ туман  
Кенгаши раиси, туман Кенгашидаги  
партия гуруҳи аъзоси:

— Ҳамма ишларимиз “беш”, демайман, кўлимиздан келганича ҳаракат қияпимиз. Фуқаролар асосан кундалик турмушида дуч келаётган муаммолар билан ёнимизга келади. Инсонга меҳр улашиш, руҳий мадад бўлиш ҳам катта гап. Афсуски, орамизда ҳеч бўлмаса шу ишга ҳам ярамайдиган депутатлар учраб туради. Менимча, улар нега депутат бўлганини ҳам тушунмаса керак.

Партия гуруҳимиз туман Кенгаши билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширди. Улардан бири ҳар чоракда ҳудуддаги ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишди. Бу жараёнда муаммоларни ўрганиб, сессия муҳокамасига қўйиш вазифаси ҳам юклатилади. Шу тариха камчиликлар бартараф этиб келинмоқда.

Депутатларимиз орасида сўзи ўткир кишилар кўп. Аммо негадир улар панада

юришни афзал кўради. Шунча ваколат ва имкониятлар берилишига қарамасдан, “сен менга тегма, мен сенга тегмай” қабилида ўз соясидан ҳам гумон қилиб юрвчилар ишимизни орқага тортади, деб ўйлайман. Улар учун депутатлик на шараф, на бурч. Шунчаки, дахлсизлик ҳуқуқини берувчи бир асос, менимча. Ваҳоланки, уларни билимсиз ва ташаббускор эмас, деб бўлмайди. Сабаби, ўз соҳасида яхшигина натижаларни қайд этган инсонлар кўп. Фақат ижро органининг қайсидир тармоғида ишлайдиган, шу орқали даромад топаётган кишилар ишдан айрилиб қолишдан ёхуд иш жойида босимга учрашдан чўчир балким.

Бор, айрим депутатларимиз анча ташаббускор, ғоявий жиҳатдан илғор. Улар билан ишлаганинг сари ишлагинг келади. Фақат уларнинг сафини кенгайтириш, барча депутатларни ана шу даражага олиб чиқиш ёки шундай хусусиятдаги, юраги ёниб турган инсонларни номзод сифатида кўрсатиш лозим.

## ТАШАББУС КЎРСАТМАСА, ҲУРМАТИ БЎЛМАЙДИ



**Асқар БЕКЖОНОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Нишон туман  
Кенгаши раиси:

— Партия гуруҳининг тумандаги обрўси келадиган бўлсак, айни пайтда қоникарли, десам адашмайман. Чунки Ўзбекистон ХДП Нишон туман Кенгашида партия гуруҳи ҳар чоракда режадаги масалаларни доимий комиссияларда қўриб чиқаяпти ва сессия кун тартибига киритиб, қарор қабул қилинишига эришмоқда. Вазият танқидий-таҳлил қилиниб, масала доимий комиссияларда ва сессияларда қўриб борилмоқда.

Жумладан, партияимиз гуруҳининг таклифига биноан аҳолига тиббий хизматни кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини оширишга оид қўшимча чора тadbирлар тўғрисидаги Президент қарори ижроси бўйича туманда олиб борилган ишлар хусусида тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ж.Жўраевнинг ҳисоботи эшитилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, ҳар чорак якуни бўйича назорат тадбири ўтказилиши белгиланди.

Депутатлар ҳақида шахсий фикримни баён қиламан. Депутатларнинг бугунги кайфияти жуда аъло бўлмаса ҳам қоникарли. Сабаби, ўзининг депутатлик мақомини, ҳақ-ҳуқуқини билган, вазифа ва мажбуриятларини ҳис қилган депутатлар бор. Лекин, афсуски, султ, ишлашга хоҳиши йўқ депутатлар ҳам йўқ эмас.

Ўйлашимча, депутатлик ваколлатлари, бурч ва мажбуриятларини билмаган одам бу ишни юритишни ҳам билолмайди. Халқ билан мулоқот қилолмайди. 5 йил давомида битта депутатлик сўрови чиқармаган, боринки, халқ олдида бир марта ҳам ҳисобот бермаган депутатлар чиқиб қолади. Депутатлик гуруҳлари, халқ депутатлари Кенгаш котибияти қийинчиликларга дуч келамиз. Шуниси аниқки, ташаббус кўрсатмаган, одамларнинг оғирини енгил қилмаган депутатнинг ҳурмати ҳам, обрўси ҳам бўлмайди. Депутатларимиздан фаоллик, ташаббускорлик, танқидий-таҳлилий фикрлашни кутиб қоламиз.

## ВИЛОЯТДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Марказий Кенгаш масъул бўлими берган маълумотларга қараганда, Қашқадарё вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан жорий йилнинг 3 ойида 25 та масала партия гуруҳларида ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинган. Уларнинг 15 таси сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бу кўпми ёки кам, деган хулоса қилмаймиз. Шунчаки, кўтарилган ҳар бир масала олдида инсон манфаати, ҳудуд ривожини турган экан, унинг дол-

зарблиги, аҳамияти юқори бўлаверди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, тафовутни кўриш мумкин. Масалан, Касби туманида 5 масала сессияга киритилган бўлса, Шаҳрисабз шаҳри, Ғузор, Китоб, Қамаш, Кўқдала, Муборак ва Чирокчида бирор масала муҳокамага қўйилмаган.

Шу каби фарқни Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар сонидан ҳам кўриш мумкин. 3 ой давомида 4-5 та мурожаат қабул қилган туманлар ҳам бор. Бу одамларнинг

мурожаати йўқлигидан эмас, ўша ташкилотга ишончи бўлмаганидан далолат эмасми? Электрорати ва сайловчилари олдида бош кўтариб юра олиш учун ҳам депутатдан амалий натижа кутилади.

Сизнинг ҳудудингизда аҳвол қандай? Ваколлатларингиздан тўлиқ фойдалани оляпсизми? Асосийси, депутат деган номга муносиб ишлар қилинаптими? Шу каби саволларни сизга ҳам беришимиз мумкин.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.





# САДОКАТДА ЭЪТИҚОД МУЖАССАМ

**ДУНЁ ЧАРХПАЛАГИ АЙЛАНИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. АЙТИШЛАРИЧА, БУ ЧАРХПАЛАК ЮЗ ЙИЛДА БИР ТЎЛИҚ АЙЛАНИБ ЎТАР ЭКАН. ШУ ДАВРДА ИНСОНИАТ ТАРИХИДАГИ БУЮК ЎЗГАРИШЛАР, ТУРЛИ МУАММОЛАР ПАЙДО БЎЛАР, ЕЧИМИНИ ИЗЛАШ УЧУН ФИДОЙИ ИНСОНЛАР ҲАМ ДУНЁГА КЕЛАР, ЭЗГУ ИШЛАР БОШИДА ТУРАР ЭМИШЛАР. БУ РИВОЯТМИ ЁКИ ҲАҚИҚАТ, БИЛМАДИК. БИЛГАНИМИЗ – БУ ФИКРЛАР МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БУГУНГИ ҲАЁТДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПАЁТГАНДАЙ.**

**ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, УЛАР ЎЗ БАХТЛАРИНИ ОДАМЛАРГА ЭЗГУЛИК ТИЛАШ, ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, КАМЧИЛИК ВА КАМСИТИШЛАРГА БЕФАРҚ ҚАРАБ ТУРА ОЛМАЙДИГАН, ҚАЛБ АМРИ ФАҚАТ АДОЛАТ САРИ УНДАЙДИГАН КИШИЛАРДИР. ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРҒИЛОН ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЛАВОЗИМИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ ЎЗИДА АНА ШУНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ МУЖАССАМ ЭТГАНЛАРДАН.**

## ОТА ЎГИТИ

Бу инсон билан танишиш баҳона бироз суҳбатлашиш мақсадида унинг ҳузурда бўлди. Суҳбат давомида отаси Ҳамиджон Мирзаевни, унинг ўғитларини эслади:

**“Ҳар касбники эгалласанг, уни садоқат ила эъозлагани, касбинг каломи ила ҳалол хизматда бўлсанг, албатта, камол толасан”.** Бу сўзлар унинг ҳаёт мазмунига айланганини изҳор этди.

Муҳаммаджон Ҳамиджон Мирзаев оиласининг тўнғич фарзанди. Иккинчи жаҳон урушининг фаол иштирокчиси бўлган Ҳамиджон ака бош фарзандини маърифат соҳиби бўлишини жуда-жуда хоҳлаган. Ота ўғитини ўзи учун фарз билган Муҳаммаджон ўрта мактабни тугаллагач, ҳеч иккиланмасдан Фарғона давлат педагогика институтининг тарих факультетига кирди.

Студентлик кунлари ортада қолиб, меҳнат фаолияти бошланди. Дастлаб, Марғилон шаҳридаги 10-ўрта мактабда ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Қарийб қирқ йил педагогик соҳасида фидойи меҳнат қилди.

Муҳаммаджон Мирзаев Марғилон шаҳридаги 1-касб-хунар коллежида дастлаб директор ўринбосари, кейинчалик директорлик қилди. Коллеж ўқувчиларининг касбга бўлган амалий кўникмаларини шакллантиришда режа асосидаги амалий машғулотларни мамлакат ҳамда мамлакатдан ташқарида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказишларига ҳаракат қилиб келди. Москва, Санкт-Петербург, Владимир, Полтава, Харьков, Ташкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тўқимачилик ва тикувчилик корхоналари билан шартномалар имзолаб, амалий натижалар кўлга киритилганди. Шу сабабдан коллеж битирувчилари малакаларининг юқорилиги таъминланган. Улар вилоят, шаҳар, ҳатто қўшни республикалар тикувчилик корхоналарига тўлиқ ишга жойлашганлар.

Ўқувчиларнинг яшаш шароитларини ўрганиш, ота-оналар билан суҳбат, иш ўринларининг имкониятларини ўрганиш мақсадида шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, “аҳоли яшаш тарзини тубдан ўзгартириш шарт”, деган хулосага келди.

Шаҳар ободончилиги, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари яратиш, таълим-тарбияни жонлантиришга қаратилган тақдирлар билан чиқди, фаоллик кўрсатди. Шу тариқа шаҳар раҳбариятининг ишончига кириб борган бўлса, халқ орасида обрў орттиришга эришди. Муҳаммаджон Мирзаев бир неча қақриқ халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутатлигига сайланган.

Депутатлик даврларида ҳам асосан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш, бўш иш ўринларини яратиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар сонини кўпайтириш, фуқароларнинг оилавий шароитларини яхшилаш, яшаш майдонларини кенгайтириш каби инсонпарвар-

**» Бу инсон бошқаларни ўйлаб, меҳнат учун, орзу-мақсадга эришиш учун кўмак бериб, қўллаб-қувватлаб, атрофидагиларни ҳам шунга сафарбар этиб, шуларнинг ҳаммасида ҳаётга меҳр ва куч олиб яшамокда. Халқ демократик партиясининг ғоялари ҳам Муҳаммаджон аканинг чин эътиқодига ўхшаб ҳаётини, инсоний. Партиянинг Марғилон шаҳар кенгашига раисликка келганидан бери қанчадан-қанча яхши ишларнинг бошида турди, қанчадан-қанча одамларга ўрناق ва намуна бўлди. Бу инсоннинг иши, партияси ғояси, ҳаётини эътиқодини бир-бирдан ажратиб бўлмайди.**

лик ҳаракатларини намойиш қилди. Турли маҳаллаларда истиқомат қилаётган муҳтож кишиларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламалари, ҳасса ва кўзойнақлар билан таъминлаш чораларини кўрганлигидан барчанинг мамнунлиги, розилиги халқ хизматида бўлган иштиёқини янада ортириб юборар эди. Бурҳониддин Марғинович кўчаси, 193-ва 229-уйларда яшовчи 1-гурух ногиронлари Илҳомжон Эрматов, Содикжон Мадориповлар ногиронлик аравачасидан ҳануз фойдаланадилар.

“Ватан” маҳалласидан Мунаввархон Раҳмонова ўттиз йилдан буён ижарада ногирон фарзанди билан сарсон-саргардонликда яшаб келарди. Бундан икки йил муқаддам маҳаллада бўлиб ўтган депутатлик учрашувида опа ўз дардини депутатга баён қилишга журъат этди.

Авалло, фуқарони ишга жойлаштириш чораси кўрилди, бандлиги таъминланди. Бошпана масаласи қонун-қоидалар асосида юқори ташкилотлар олдига кўндаланг қўйилди. Марғилон шаҳар ҳокими А.Т.Зиявутдинов ҳам масалани ҳал этишга кўмакдошлик қилди. Натижада М.Раҳмоновага махсус ордер асосида “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган “Зухро” кўчаси 7-уйдаги 27-бир хонали квартира беминнат бирик-тириб берилди.

“Кўнглим ўрнига тушгандан буён ишларим ҳам юришиб кетди. Ўзимнинг иккинчи ҳақиқий ҳаётимни бошладим”, дейди мамнуният билан Мунаввархон.

## ИШ ВАҚТИ – КЕЧА-КУНДУЗ

Ҳикоямиз қаҳрамони том маънода жамоатчи инсон. У шундай йўғрилган. Халқ хизмати йўлида вақт билан ҳам ҳисоблашмайди. Унинг иш соати бир сутка, 24 соат. Депутатликка сайланган “Янги ҳаёт” сайлов округида жойлашган ҳар бир хонадонда яшовчи оила бошлиқларини ёддан билади, муаммоли масалалар кафтнинг устида.

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгаши “Регламент ва депутатлик одобини” комиссиясининг раиси. Шаҳар кенгашида фаолият юритаётган ўттиз нафар депутатларнинг ижро интизоми, ўз вазифаларига муносабатлари, муаммоларни ҳал қилиш маҳоратларини ошириш, муомала, сессиялар кун тартибига оид масалаларни тайёрлаш ишларида ўз маслаҳатлари ва кўмагини аямайди.

Ўтган яқин ўн йиллардан буён Марғилон шаҳар ҳокимияти “Жамоатчилик назорати гуруҳи”ни ҳам бошқариб келмоқда. Жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган барча камчиликларни, қонун бузилишларини, адолатсизлик кўринишларини бартараф этишда астойдил ҳаракат қилаётганлиги билан ҳам кўпчилик эътирофига муяссар бўлган.

Пенсия тайинлашдаги адашмовчилик, аҳолини ноқонуний тўловларга ундаш, нафақалар, таъмирлаш ишларидаги нуқсонларни устида аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўриломоқда. Шаҳар марказидан оқиб ўтаётган “Пандикан”, “Янги ариқ” ва “Жўйбозор” анҳорларидаги сувларнинг тўхтаб қолаётганлиги ҳақидаги шикоят ўрганилиб, сувнинг оқиб ўтиши тартибга солинди. Аҳолининг мароқли дам олишини таъминлаб келаётган кадрон масканга айланиб улгурган, Ўрта Осиёга донг таратган истироҳат боғи кейинги кунларда қаровсизлиги оқибатда эътирозга сабаб бўлаётган эди.

Жонсарак инсон, ташаббускор партия раисининг аралашуви ва тақлифи билан штат бирикларни ажратилди. 1938 йили халқ ҳашари орқали бунёд этилган, “Оролча” номи билан машҳур сув ҳавзаси, халқаро тадбирларга мезбонлик қилган “Амфитеатр” реконструкция қилинди, турли декоратив дарахтлар келтириб экилди. Шаҳар маҳаллаларига келтирилган суюлтирилган газ балонларини тарқатиш жадвали ҳам жорий этилди.

Кейинги йилларда Муҳаммаджон Мирзаев ташкилотчилик қобилиятининг янги қирралари кашф этилди. Унга вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ишонч билдириб, ўзининг Марғилон шаҳридаги вакили этиб тайинлаш билан олиб борилаётган қўрилиш ва таъмирлаш ишларини назорат қилиш масъулиятини ҳам юклади. Шаҳардаги “Орол бўйи”, “Дўстлик”, “Надирмат”, “Галатой”, “Юксалиш”, “Наврўз” маҳаллаларидаги “Обод маҳалла” дастури, Бурҳониддин Марғинович, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий кўчаларини кенгайтириш ишларини режа асосида амалга оширишда фаол раҳбарлик қилди.

## БОКИМАНДА ОДАМ ЙЎҚ

“Орол бўйи” маҳалласида ободонлаштиришдан ташқари маҳалла хунарамандлари учун шароит яратишга ҳам эътибор қаратилди. Маҳалла чарм пойабзал ишлаб чиқаришга мослашганлигини инобатга олиб, бу ерда Ўзбекистон Миллий банки бошқаруви ҳомийлигида қосибчиликни ривожлантириш “SHOVRROOM” ўқув маркази қуриб битказилди. Ўқув маркази бутун республика хунарамандларининг малакасини ошириш ва уларга касб-хунар ўргатиш вазифасини ўтамоқда. Бундан бир неча ой муқаддам Қорақалпоғистондан келган 25 нафар яқин қосиблар малакаларини ошириб кетдилар. Ҳозирги кунда маҳалладаги юзга яқин хонадонларда болалар ва ўсмирлар чарм пойабзаллари тайёрланаётди. “Хунарамандлар маркази”га

тадбиркор Зиёвуддин Мамажонов раҳбарлик қилади. Унинг айтишича, маҳаллада биронта ҳам боқимандалик кайфиятида юрган фуқарони учратмайсиз. Ҳар ойда 400 минг жуфтга яқин, умумий қиймати ўн миллиард сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

“Надирмат” маҳалласида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Аввало, электр узатиш тармоқларини яхшилаш мақсадида янги замонавий типдаги трансформатор ҳамда кўча бўйларига 200 донга темирбетон стол-балар ўрнатилди. Олти километрга яқин ма-софадаги тоза ичимлик сув қувурлари янги-ланди. “Аминдарё”, “Бободехқон”, “Мақтаб”, “Надирмат” ва “Донгдор” кўчаларига асфальт ётқизилди. Маҳалла худудида бўш турган би-нода қосибчилик корхонаси ишга туширилиб, 22 нафар ёшлар бандлиги таъминланди.

## МАҲАЛЛАДА САНОАТ ЗОНАСИ

Шахримизнинг “Наврўз” маҳалласи худудида бунёд этилган “Наврўз” кичик саноат зонаси тезкорлик билан сифатли қилиб, барча техник ва қурилиш талаблари асосида қуриб битказилиши ҳамда Президент эътирофига лойиқ бўлишида Муҳаммаджон Мирзаевнинг катта ҳиссаси бор.

Буни М.Мирзаевга “Дўстлик” орденини топшириш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг дил сўзларидан ҳам идрок этиш мумкин. Ўнқир-чўнқир, ташландиқ бир чекка жойда анча-мунча шаҳар марказларини орта қолдирадиган обод маскан ярати-лиши дастлаб ҳеч кимнинг хаёлига ҳам кел-маган эди. Аввало, давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати, қолаверса, бу сиёсатни ўз ўрнига қўйиб ижросини таъминлашга астой-дил киришган вилоят раҳбарияти, ободончи-лик ташкилотчилари... Бугунги кунда бу мас-канда 22 та ишлаб чиқариш корхонаси фао-лият юритмоқда. Пойафзал тайёрлаш, пайпоқ тўқув, ширинлик ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минерал сувларни қадоклаш идишларини пресслаш, кийим-кечак, ички кийимлар, турли ҳажмдаги мато ва парда-лар тикиш... Тўқши корхоналарида маҳаллий ёшларнинг, йигит-қизларнинг маҳорат билан қувноқ меҳнат қилаётганликлари кўзингизни қувонтириб, дилингизни равшан этади.

## МЕҲНАТ ВА ЭЪТИҚОД УЙҒУНЛИГИ

**Тиним билмайдиган Муҳаммаджон Мирзаев ҳали тетик, шижоатга, яхши ниятга тўла, биров бу инсонни 75 га кирган дейишга ийманмади. Нафақат шаҳар, балки вилоят жамоатчилиги орасида байроқдорлардан. Фарғонанинг “эўр”лари-дан.**

Бу инсон бошқаларни ўйлаб, меҳнат учун, орзу-мақсадга эришиш учун кўмак бериб, қўллаб-қувватлаб, атрофидагиларни ҳам шунга сафарбар этиб, шуларнинг ҳаммасида ҳаётга меҳр ва куч олиб яшамокда. Халқ демократик партиясининг ғоялари ҳам Муҳаммаджон аканинг чин эътиқодига ўхшаб ҳа-ётини, инсоний. Партиянинг Марғилон шаҳар кенгашига раисликка келганидан бери қан-чадан-қанча яхши ишларнинг бошида турди, қанчадан-қанча одамларга ўрناق ва намуна бўлди. Бу инсоннинг иши, партияси ғояси, ҳаётини эътиқодини бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

У партия раҳбари сифатида шаҳарда аҳо-ли манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағал-ликни қисқартириш, шаҳар ободончилиги, коммунал хизмат кўрсатиш, тиббий хизматни яхшилаш каби масалаларни партия тараф-дорлари сонини кенгайтириш билан, уларга таянган ҳолда амалга оширишга эътиборини қаратаётди. Ўз тақдирларини асослантириб, юқори партия органлари ҳамда шаҳар ҳоки-мияти сессиялари муҳокамасига киритишга эришмоқда, эл манфаатларини ҳимоя қил-моқда.

Муҳаммаджон Мирзаевнинг инсонпар-варлик, ҳалоллик, ташкилотчилик, давлат сиёсатини халқ манфаатлари йўлида қўллаб олиш маҳорати барча учун ибрат мактабини ўтади. Ана шундай ибрат ва шижоат соҳи-бининг кўксини беэзаб турган “Халқ таълими аълочиси”, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишо-ни, давлатимизнинг юқори даражадаги му-кофоти “Дўстлик” ордени унинг халқига ва юртига, эзгу ғояларга садоқати рамзидир.

**Рўзимухаммад УМРЗОҚОВ,  
Бурҳониддин Марғинович халқаро  
жамғармаси раёсат аъзоси.**





# КЎКДАЛАДА ҚАНЧА ТАРВУЗ ПИШАДИ?

**Қашқадарё вилоятининг Кўкдала ҳудудидида оқар сув кам. Ястаниб ётган бепоён кенгликлар, унумдор тупроқ эса ўзи улкан хазина. Бугунги кунда кўкдалаликлар ана шу ерлардан унумли фойдаланиб, эрта пишувчи тарвуз етиштиришмоқда. Туманинг омилкор деҳқонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳудуд полиз, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда вилоятдагина эмас, мамлакатимизда ҳам муносиб ўринга эга. Айниқса, бу ерларда плёнка остида эртачи тарвуз етиштириш борасида ўзига хос тажриба мавжуд.**

Бугунги кунда тумандаги гектарлаб лалми ерлар ўзлаштирилиб, катта даромад манбаига айлантирилди. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ортиб, тарвузнинг эртапишар навлари етиштирилмоқда. Хозирда Кўкдала туманига йўлингиз тушса, гектар-гектар плёнкаларни кўрасиз. Гуё ерда оқ булутлар сузиб юргандек. Туманда 25 минг гектарда эртапишар тарвузлар етиштирилмоқда.

Маълумотларга кўра, туманда 186 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, шундан 10 мингга яқин оила эртапишар тарвуз етиштириш билан шугулланади. Ҳар бир оила 50 миллион сўмда ортик даромад кўради.

Деҳқонларнинг ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар ердан 25-30 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Агар бир гектар ерда бир киши меҳнат қиладиган бўлса, 25 минг гектар ерда 25 минг фуқаро, ҳар бир гектар ерда оилавий бўлиб меҳнат қилса, ундан ҳам кўп аҳоли ишли бўлиб, қўшимча даромадга эга бўлади, – дейди **халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Умар Жулбулов**. – Лалми ерлардан деҳқон ва фермерлар мўл ҳосил олиши учун артезиан кудуқлар қазилиб, 150 метр чуқурликдан сув чиқарилмоқда. Ўтган йили 20 минг гектар лалми ерларда 400 минг тонна тарвуз етиштирилиб, ички



ва ташқи бозорларга етказиб берилган. Тажриба йилдан-йилга ошиб бориши натижасида замонавий ва самарали усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Сувни иқтисод қилиш ҳамда янада мўл ҳосилдорликка эришиш мақсадида 90 фоиз майдонда томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилди. Шунинг ҳисобига яна қўшимча 12 минг гектар янги лалми ерларни суғориш, экин экиш имконияти яратилди.

Ўтган йили 8 миллион долларлик тарвуз экспорт қилинган бўлса, жорий йилда 10 миллион АҚШ долларига етказилади. Тарвузлар асосан Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон Республикаларига экспорт қилинмоқда.

– Ҳар йилгидек январь ойининг бошидан деҳқончиликни бошладик, – дейди **Кўкдала туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Жуманазаров**. – Деҳқону фермерларимизнинг қай бири билан гаплашманг, уларнинг қайфияти юқори. Чунки йилимиз жуда зўр келди. Ёғингарчилик кўп бўлди. Деҳқонга нима керак? Унга сув бўлса, бўлди. Етиштирган мўл ҳосилини тугатиб кўринг қани. Бу гапни бежизга айтмадим. Олдинги йил-

ларда ёғингарчилик кам бўлган вақтларда лалми ерларда тарвузни етиштириш учун 10 мартадан суғориб ҳосил олган бўлсак, бу йил эса ёғингарчиликлар кўп бўлгани учун бор-йўғи 3 ёки баъзи ерларда 4 марта суғориб, ҳосил олишни бошладик.

Кўкдалаликларнинг эрта пишувчи тарвуз етиштириш бўйича ўз тажрибаси бор. Долби навли тарвуз уруғи февраль ойида плёнка идишларга экилиб, кўчат етиштирилади. Сўнгра иссиқхонада дўга усулида парваришланади. Натижада ҳосил эрта тайёр бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда эрта баҳордан то кеч кузгача тарвуз пишади.

Чироқчининг адоқсиз даштларида, айниқса, Кўкдалада фақат баҳордагина яшил либос кийгувчи изиллаган чўлда деҳқончилик қилиш мумкин, десангиз, биров ишонармиди? Бу эртанамо орзуни рўёбга чиқаришда шахсан Президентимизнинг эътибори, қўллаб-қувватлови улкан аҳамиятга эга бўлди.

**Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

## Тил – маънавий калити

Кишилик жамиятида одамлар бир-бири билан мулоқот қилишлари учун тил яратилган. Тил бир томондан халқларни бир-бирига боғловчи бетакрор феномен бўлса, бошқа томондан, турли халқларни бир-биридан ажратиб турувчи ўзига хос ҳодиса саналади. Тарихдан маълумки, ҳар қандай миллат вакили қанчалик кўп тил билса, тараққиёт йўлидан шунчалик тез ва изчил бора олган.

– Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қирлини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган

эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим, – дейди давлатимиз раҳбари. – Замонавий дунёда хорижий тиллар ҳам жамият, ҳам шахснинг маънавий ривожланишида катта аҳамият касб этмоқда.

Бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш инсоннинг мулоқот қобилиятини ривожлантириши билан бир қаторда, унга маданият, анъаналар ва фикрлаш тарзининг янги дунёсига эшикларни очади. Бежизга

канадалик психоллингвист олим Франк Смит “Чет тилларини ўрганиш инсонга бошқа тилни билишдан ҳам кўпроқ нарсани янги дунёни билиш имконини беради”, деган фикр билдирмаган.

Бошқа тилларда сўзлашувчилар билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш орқали инсон онгини янги ғоялар, анъаналар ва қадриятларга очади. Бу ҳақда Флоренс Найтингел “Чет тили бизни нафақат турли сўзларда гапиришга, балки турли ғоялар билан фикрлашга ҳам ўргатади”, деган.

Бундан ташқари, чет тилини ўрганиш инсоннинг когнитив қобилиятлари ва интеллектуал

салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Янги тилни ўрганишимиз билан миямиз фаоллашади, хотира, эътибор ва логикани фикрлаш яхшиланади.

Шундай қилиб, чет тили жамият ва шахсларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда муҳим ўрин тутади, маданий бойитиш, маданиятлараро тушуниш ва шахс ривожланишига ҳисса қўшади.

**Азиза ШАРИПОВА,**  
**Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Чет тиллар кафедраси мудири, ф.ф.д. (ПХД), доцент.**

## ЎЗГАРИШЛАР УНИВЕРСИТЕТИМ МИСОЛИДА

**Ўзбекистон менинг, сенинг, бизнинг, сизнинг – барчамизнинг давлатимиз. Бу давлат тараққиётига, равнақига ҳисса қўшиш, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**Қайси соҳада хизмат қилаётган бўлсак, ўша жойда фидойилик кўрсатсак, шунинг ўзи ватанпарлик, деб биламан. Мен таълим соҳаси вакилиман. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида шу соҳа бўйича белгиланган вазифаларни кўриб, ҳам қувонаман, ҳам катта масъулият ҳис қиламан.**

Қаранг, ҳужжатнинг 7-бандида:  
– ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш;  
– умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш;  
– 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш;  
– «Топ-500»га қирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида «икки дипломли тизим»ни жорий этиш;  
– 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли «Топ-1000» олий таълим ташкилотлари рейтингига кириштиришга эришиш.

– Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш каби эзгу мақсадлар қўзланган.

Ана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб, бизнинг университетимизда ҳам талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Даргоҳда “Дизайн”, “Архитектура”, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш”, “Қиймат инжиниринги”, “Геодезия, картография ва кадастр”, “Био ва иншоотлар қурилиши” каби 22 та таълим йўналиши бўйича 3958 нафарга яқин бакалавр ҳамда 23 та мутахассислик бўйича 349 нафарга яқин магистр тайёрланмоқда.

Бугунга қадар университетда турли соҳалар бўйича 35 мингдан ортиқ мутахассислар тайёрланган, улар мамлакатимизнинг архитектура, қурилиш ва бошқа соҳаларни кадрлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ёшлар етарлича билим эгалари, малакали мутахассислар бўлиши кўп жиҳатдан ўз соҳасини мукамал билган, ўз касбини севган профессор-ўқитувчиларга боғлиқ.

Университет раҳбарияти профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ёш кадрлардан илмий даражани тайёрлаш кафедр ва деканатлар диққат марказида турибди.

Университетда 343 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритиб, улардан 23 нафари фан доктори ва профессор, 102 нафарга яқини фан номзодлари ва доцентлар талабаларга таълим-тарбия бермоқдалар. Университет профессор-ўқитувчиларининг 36 фоизи илмий даража ва илмий унвонларга эга.

Университет профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган ишларга Web of Science, Scopus, Google Scholar тизимларида 650 дан ортиқ иқтибослик мавжуд. Xirsh (h)-индексига эга профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлар сони 2019 йилда 3 нафар бўлган бўлса, 2020 йилда 16 нафарни ташкил этди.

Архитектура ва қурилиш соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари бўйича доимий равишда халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Бугун ҳам бу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Рисолат ТУРДИБЕКОВА,**  
**Тошкент архитектура-қурилиш университети ассистенти.**

## 10 МИНГ ТАДБИРКОР Япония тажрибаси асосида ўқитилади

Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланди.

Дастурга асосан тадбиркорларнинг бизнес кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қисқа ва ўрта муддатли амалий ўқув курслари банк қошидаги «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» АЖ томонидан ҳудудларда ташкил этилган 14 та Кичик бизнесга қўмаклашиш марказида олиб борилмоқда. Тадбиркорларни ўқитиш жараёнига Япония тажрибасини татбиқ этиш ва бу борада кунчиқар давлатнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Бизнесни ривожлантириш банки» ва Япониянинг Ямагата университети ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалар мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида сўз борди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 7 март кунини Токио шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония бизнес форуми давомида «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ Бошқаруви раиси Сахи Аннакличев ва Ямагата университети президенти Хедитоши Тамате томонидан имзоланган шартномага кўра, республикамиздан 10 минг нафар тадбиркор Япония тажрибаси асосида ўқитилиши ва менторлар тайёрланиши мақсад қилинган. Ушбу амалий ўқув курси май ойи охиридан бошланади. Курсда ўқиш тадбиркорлар учун мутлақо бепул ва юз фоиз япон мутахассислари томонидан таржимон орқали ўзбек тилида олиб борилади. Бунинг учун <https://biznes-portal.uz> платформаси орқали рўйхатдан ўтиш мумкин.

– Университетимиз билан ҳамкорликда ўтказиладиган ўқув курсларида тадбиркорлар бизнес кўникмасини ривожлантириш, истиқболли бизнес-режа ишлаб чиқиш, лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини топиш каби йўналишларда билим ва малака оширадилар, – дейди Ямагата университети профессори Тадаши Онодера. – Мутахассисларимиз кўмағида маҳаллий кадрлар орасидан менторлар тайёрланади. Келгусида тадбиркорларни ўқитиш ишлари менторлар ёрдамида амалга оширилиши режалаштирилган. Энг асосийси, бошланадиган асо-



сий машғулотларимиз янада самарали бўлиши учун тайёргарликнинг муҳим жиҳатлари бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Маълумот учун. Жаҳондаги энг яхши 600 ОТМ қаторига қирадиган Ямагата университети вакиллари шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятларида бўлиб, тадбиркорлар билан учрашди. Ушбу ҳудудлардаги Кичик бизнесга

қўмаклашиш марказида ўтказилган ўқув семинарларида маҳаллий тадбиркорлар бизнесни бошқаришнинг япон методи билан таништирилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришга доир муҳим ва фойдали тавсиялар берилди.

**Таштемир МУРОД.**





MULOHAZA

**16 апрелдаги ҳукумат қарори билан 1 майдан энергоресурслар нархи оширилди, шунингдек, ижтимоий нормалар жорий этилди. Соддароқ тилда тушунтиришда, белгиланган меъёргача электр энергияси арзон нархда, ушбу меъёрдан юқори бўлса, бозор нархларида сотилади. Яъни, базавий меъёр жорий этилди.**

Асосий маиший истеъмолчилар (аҳоли) учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб ойига:

- ✓ 200 кВт/соатгача 450 сўмдан,
- ✓ 201 кВт/соатдан 1000 кВт/соатгача 900 сўмдан,
- ✓ 1001 кВт/соатдан 5000 кВт/соатгача 1350 сўм,
- ✓ 5000 кВт/соатдан 10 000 кВт/соатгача 1575 сўм,
- ✓ 10 000 кВт/соат ва ундан ортиқ истеъмол қилувчилар учун ҳар бир кВт/соат учун 1800 сўм этиб белгиланмоқда.

Эндиликда аҳоли учун 1 кВт/соат электр энергиясининг базавий нархи ижтимоий меъёр доирасида 295 сўмдан 450 сўмга ошди.

### ЯНГИ ТАРИФЛАРНИ ҚАНДАЙ ТЎҒРИ ҲИСОБЛАШ МУМКИН?

300 кВт/соат истеъмол қилинадиган электр энергиясини олайлик, ҳозирда абонентлар ушбу миқдорда электр энергияси учун 88,5 минг сўм — 1 кВт/соат учун 295 сўм тўлайдилар. 1 майдан бошлаб ушбу миқдор учун 180 минг сўм тўлашингиз керак бўлади: базавий тарифнинг 200 кВт/соати — 1 кВт/соат учун 450 сўмдан ёки 90 минг сўм; кейинги 100 кВт/соат — 900 сўмдан ёки 90 минг сўм оширилган тариф бўйича. Шундай қилиб, **900 сўмлик тариф бутун миқдор учун эмас, фақат ижтимоий меъёрдан ошиб кетган миқдорга қўлланилади.**

### НИМА УЧУН МУҲИМ?

**Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

Энергия ҳаммага керак, унга талаб катта, демек, тежамкорлик асосий масалага айланди. Очиғини айтганда, аҳолига электр ёки газ ресурсларини тежаш бўйича тарғиб-ташвиқотни етарлича олиб бора олдик, дея олмаймиз. Шундоқ ҳам етишмаётган шароитда исрофгарчилик кўпайди. Афсуски, энергияни тежашга ундайдиган механизмлар жорий этилмади.

Табақалаштирилган янги тизим тежамкорлик масаласини кун тартибига чиқарди. Мутахассислар келтирган рақамларга кўра, Ўзбекистондаги 6,1 миллионга аҳоли абонентининг ҳар биттаси 100 ваттлик 1 дона чўғланма лампани кечаси атиги 10 соат (кечки соат 21:00 дан эрталабки соат 7:00 гача) ўчириб қўйса, бир йилда 2 миллиард 226 миллион 500 минг киловатт электр энергияси тежаб қолинишига ҳисса қўша олар экан.

Бир дона чўғланма лампани замонавий LED лампасига алмаштириш орқали эса ойига 22,4 киловатт-соат, йилига эса 268,8 киловатт-соат электр энергияси тежалишига олиб келар экан. Шунинг ўзиёқ амалдаги 295 сўмлик тариф бўйича ҳисобланганда, ойига 6608 сўм (ёки йилига 79 минг 296 сўм) миқдорда маблағ тежаш имконини беради.

Ҳар биримиз энергия тежамкорликка ёрдам беришимиз, хонадонимизда электрдан тўғри фойдаланиш орқали бутун мамлакат миқёсидаги энергия самарадорликка ҳисса қўшишимиз мумкин.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

### ҚИЗИҚ ФАКТ:

Халқаро энергетика агентлиги хулосасига кўра, Ўзбекистон ёқилғи-энергетикага давлат томонидан энг кўп субсидия ажратадиган 25 та давлат орасида 12-ўринда турибди.

### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

# ҲАР ДОИМ ЭМАС, КЕРАГИДА ИШЛАТИНГ

надонларига тўғри келди. Яъни, ҳар бир хонадоннинг ўртача бир ойлик истеъмоли 220 кВт. соатни ташкил қилмоқда.

Энг қизиғи, 90-йилларга қараганда ҳозирда электр техника ускуналари энергия самарадорлиги бўйича ер билан осмонча фарқ қилади. Мисол учун, битта лампочанинг қуввати 10 баробарга, телевизор қуввати 2,5 баробарга, холодильник қуввати 3 баробарга пасайган. Аммо шунга қарамай, ўртача хонадоннинг ойлик истеъмоли 2,2 баробарга ортган.

Ушбу парадоксининг сабабларини аниқлаш учун мутахассислар томонидан ҳар бир хонадон бўйича йиллик мониторинг ва таҳлиллар ўтказилди. Натижаларга кўра, жами аҳоли хонадонларининг қарийб 85 фоизи (6,4 млн та) электр энергиясининг атиги 37 фоизини истеъмол қилади. Яъни, ушбу хонадонларда ойига ўртача 300 кВт.соатгача электр энергияси истеъмол қилинади.

Қолган 15 фоиз (1,1 млн та) хонадон эса аҳолига етказиб берилган умумий электр энергиясининг 63 фоизини истеъмол қилади. Чунки улар орасида ойига 1000 кВт.соат, 5000 кВт.соат ва ҳатто ундан ортиқ истеъмол қиладиган хонадонлар ҳам анчагина. Шунинг эвазига аҳоли учун бозор нархларидан паст тарифларни қўллаб-қувватлаш учун энергия компанияларига миллиардлаб доллар субсидиялар берилган. Чунки хонадонларга 295 сўмдан етказиб берилаётган электр энергияси таннархи аслида 800 сўмдан кўпроқ бўлган. Бу ҳақида олдинроқ энергетика вазирлиги маълум қилган эди.

### ТЎЛОВ ИШЛАТИЛГАНИГА ЯРАША

Яқинда ижтимоий тармоқларда ўқиб қолдик. Бир ойда 12 минг киловатт/соатгача электр ишлатадиганлар ҳам бор экан. Келинг, уни маблағга чақиб кўрамиз.

Бир ойда 12 минг кВт ишлатганлар 3 миллион 658 минг сўмни ўз чўнтагидан тўларкан. Уларга ўша ойда давлат бюджетидан 8 миллион сўмдан кўпроқ субсидия берилган. Ҳа, тўғри ўйладингиз, ойига! Ҳам кўп ишлатган, ҳам ўртача 5 миллион фойда кўрган.

Бу дегани субсидиялар асосан энергоресурслардан кўпроқ фойдаланадиган, яъни аҳолининг нисбатан бой қатламига тўғри келган. Энди бундай бўлмайди.

### 4 ЙИЛДА БИРИНЧИ МАРТА

Тарифлар 4 йилдан буён ўзгармай қолаётгани. Охириги мартга газ ва электр энергияси тарифлари 2019 йил август ойида оширилган. Маълум бир сабабларга кўра, тарифлар оширилиши кейинга қолдирилди. 2022 йил 1 июлдан бошлаб тарифларни ошириш режа қилинган эди, аммо бу яна ортага сурилди. Аҳоли даромадлари кўпайиб, тўлов қобилиятининг яхшиланишига шароит яратилди.

Ўтган йилнинг 1 октябрдан бошлаб йирик корхоналар, бюджет ташкилотлари, компаниялар ва бошқа юридик шахслар учун электр энергияси ва газ нархлари оширилди.

### 2024 ЙИЛ 1 МАЙ КУНИДАН

аҳоли учун белгиланган

### ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРИФЛАРИ


200 kWh'гача  
450 сўм

201 kWh'дан  
1000 kWh'гача  
900 сўм

1001 kWh'дан  
5000 kWh'гача  
1350 сўм

5001 kWh'дан  
10 000 kWh'гача  
1575 сўм

10 001 kWh'дан кейин  
1800 сўм



Ҳисоб-китобларга кўра

битта хонадонда 11 турдаги электр жиҳозлари ишлатилганида

бир ойда ўртача 180 кВт энергия сарфланади

ЎЗБЕКИСТОНДА АНЧА ЙИЛЛАРДАН БЕРИ ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ КУН ТАРТИБИДА ТУРГАН ЭДИ. НИҲОЯТ, ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ. ЭНЕРГОРЕСУРСЛАР ИСТЕЪМОЛИ БЎЙИЧА ИЖТМОИЙ НОРМА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ. БУ КЕРАК ЭДИ. ҚАНЧА ТЕЗ ҚИЛИНСА, ШУНЧА ЯХШИ ЭДИ. МАЪЛУМ БЎЛИШИЧА, МАМЛАКАТИМИЗДА ЮҚОРИ ВА ПАСТ КУЧЛАНИШЛИ 274 МИНГ КИЛОМЕТРЛИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДАН 122 МИНГ КИЛОМЕТРИ, ЯЪНИ, 40 ФОИЗИ ҚАРИЙБ 40-50 ЙИЛ ОЛДИН ҚУРИЛГАН. 33 МИНГТА ТРАНСФОРМАТОРЛАР ТАРИХИ ҲАМ АЙНАН ЎША ЙИЛЛАРГА БОРИБ ТАҚАЛАДИ, СТАНЦИЯЛАР ЭСКИ ЗАМОН ЛОЙИҲАЛАРИ АСОСИДА БУНЁД ЭТИЛГАН ЭДИ. ТАБИИЙКИ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ҲОЗИР ЯНГИЛАНИШГА, МОДЕРНИЗАЦИЯГА МУҲТОЖ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БАРЧАГА КЕРАК ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА БИР НЕЧА ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ОҒИР ҲОЛАТ ЮЗАГА КЕЛДИ. ТИЗИМ ТЎҒРИ ИШЛАМАДИ, ОҚИБАТДА ЭЛЕКТРДА УЗИЛИШЛАР ОДАТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ЧУНКИ ШУ ПАЙТГАЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ НАРХИ АСЛ НАРХИДАН АРЗОН ЭДИ, ЕТМАГАН ПУЛНИНГ КАТТА ҚИСМИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН ҚОПЛАБ КЕЛИНДИ. НАТИЖАДА ТАРМОҚЛАР ЭСКИРГАН, ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖЛИГИ БИР ЧЕТДА ҚОЛАВЕРДИ. ШУ ТАРЗДА МАСАЛА ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЧУҚУРЛАШИБ, ЧИГАЛЛАШИБ КЕТДИ. ҲОЗИРГАЧА АМАЛДА БЎЛГАН ТАРИФЛАР ҲАҚИҚИЙ ТАНАРХНИ ҚОПЛАМАЙ, СОҲА СУБСИДИЯЛАР ЭВАЗИГА ФАОЛИЯТ ЮРИТДИ. ЭНЕРГЕТИКАДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ СОҲАДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТМАСДАН ТУРИБ ТЎЛИҚ ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ. ШУ ТАРИҚА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН СИФАТЛИ, УЗЛУКСИЗ ВА АДОЛАТЛИ ТАРИФЛАРДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ЭРИШИШ МУМКИН.

### АРЗОН, АММО ЙЎҚ! БУНДАН КИМГА ФОЙДА?

Тўғриси, тизимда нарх йиллар давомида "сунъий" тарзда белгиланди. Узилишлар сурункали тус олди, айниқса, чекка ҳудудлардаги аҳоли қийналди. Бундан кимга фойда бўлди?

Хонадонда ҳар битта хонада кондиционери бор, телевизор бор, икки, учталаб музлатгичи бор, умуман, ўзига тўқ оилалар кўп ток ишлатса ҳам кам тўлаб юраверди. Чунки улар ўз истеъмоли учун ишлатган ҳар бир kWh ток учун субсидия олиб яшайверди. Аслида тескариси бўлиши керак эди. Чунки электр энергиясини кам истеъмол қилган оилалар камроқ тўлаши керак, бу адолатдан бўлади.

Амалдаги янги тартиб ҳам адолатли, ҳам фойдали бўлади. Кўп ишлатган кўпроқ, кам ишлатган камроқ тўлайди. Демак, тарифларнинг табақалаштирилишида мантқ ҳам, фойда ҳам, яхши янгилик ҳам бор.

### ИСТЕЪМОЛ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОШМОҚДА

Таҳлилларнинг кўрсатишича, 1990 йилда аҳолининг умумий электр энергияси истеъмолидаги улуши 10 фоизни ташкил этган. Йилига 4,8 млрд кВт.соат, ойига битта хонадон тахминан 100 кВт.соат сарфлаган.

2023 йилга келиб эса мамлакатимизда истеъмолчиларига етказиб берилган электр энергиясининг қарийб 30 фоизи аҳоли хо-


### МАЪЛУМОТ УЧУН:

ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМОТЛАРИГА КўРА, 2022 ЙИЛДА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ 74,3 МИЛЛАРД КИЛОВАТТ-СОАТНИ ТАШКИЛ ЭТГАН. 2030 ЙИЛГА БОРИБ БУ КўРСАТКИЧ 124 МИЛЛАРД КИЛОВАТТ-СОАТГА ЕТИШИ ЁКИ БУГУНГИГА НИСБАТАН 49 ФОИЗ ОШИШИ ПРОГНОЗ ҚИЛИНМОҚДА. АГАР МАЗКУР КўРСАТКИЧ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИГА МОС РАВИШДА БУГУН ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИНГ ЎРНАТИЛГАН ҚУВВАТИ 18 ГИГАВАТТ ЭКАНИ ҲИСОБГА ОЛИНСА, 2030 ЙИЛДА БУ КўРСАТКИЧ 35,4 ГИГАВАТТГА ЕТИШИ ЁКИ 2 БАРОБАР ОШИШИ КУТИЛМОҚДА.





XORIY PARLAMENTI



## "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" АРАЛАШУВИ БИЛАН

"МУСТАҚИЛЛИК" КА  
ТОЗА СУВ КЕЛДИ

Газетамизнинг шу йил 7 февраль сониди "300 дан ортиқ хонадоннинг 30 йиллик орзуси ушаладимиз?" сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда Сурхондарё вилояти Узун туманидаги "Мустақиллик" маҳалласида истиқомат қилаётган юзлаб хонадон аҳли кўп йиллардан буён тоза ичимлик сувидан қийналаётгани баён этилганди. Ўтган асрнинг 85-йилларида барпо қилинган сув кудуғи ва минора 1994 йилдаёқ таъмирталаб бўлиб қолганию бу ишларга мутасаддилар панжа орасидан қараб келишгани таассуфли, албатта.

Журналистик суриштирув давомида Узун туман сув таъминот бўлими раҳбари (собик) Эркин Тўйчиев "Мустақиллик"да яшовчиларнинг дарду ташвишига айланган ушбу масала қисқа фурсатда бартараф этилишини таъкидлаганди. Хўш, ваъда бажарилдими?

– Маҳалламиз туман марказидан 20-25 километр олисда жойлашган, – дейди аҳоли вакилларида бири Ўрал Нурбобов. – Бир ярим мингдан ортиқ киши яшайди. Ишонасизми-йўқми, ўттиз йилдан ошди, 1,5-2 километр олисдан сув ташиб келтирамиз. Мурожаат қилмаган жойимиз, учрашмаган раҳбаримиз қолмади. Ҳаммаси нуқул "Бу йил ҳал қила-

миз, кейинги йил дастурга киритилади", деган ваъдалардан нарига ўтишмади. Ахийри, маҳалла аҳли ўзаро маслаҳатлашиб ўтган йилнинг ёз ойларида 27 миллион сўм пул йиғдик. Махсус техника келтириб, бургулаш ишлари олиб борилди. Бир неча кун лойқа сув чиққанди ўшанда. Ҳокимлик томонидан 2 минг метр елим қувур ажратилганига қарамай, минорани таъмирлаш, хандақ қазиб, ускуналар ўрнатиш ва бошқа бир талай юмушлар ўлда-жўлда қолиб кетди.

– "Ўзбекистон ovozi" газетасидаги чиқишдан кейин туман ҳокимлиги, туман сув таъминот бўлими ва электр таъминоти корхонаси масъуллари келишди, – давом этади маҳалла фаоли Фарҳод Баратов. – Ҳолат атрофлича ўрганилиб, иншоотни таъмирлаш, бўёқлаш, бетонлаш, пайвандлаш ва бошқа юмушлар сифатли бажарилди. Бунга саховатпеша ва олийҳиммат маҳалладошларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Хуллас, маҳалламизга тоза сув келди. Ўттиз йиллик орзумиз амалга ошганидан хурсандимиз. Хайри иш ва эзгу ташаббусга бош бўлганларга минг раҳмат.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

ТАРИХДАГИ  
ЭНГ ЙИРИК САЙЛОВ

Бу йил халқаро майдонда сайловлар йили бўлади. Сабаби, жорий йилда сайёрамизнинг 60 дан ортиқ давлатида сайловлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Дунё аҳолисининг тахминан 4,2 миллиарди сайловларда иштирок этиши кутилмоқда. Аҳолиси сони бўйича дунёда биринчи ва иккинчи кўрсаткичлари жиҳатидан дунёнинг ТОП 5 мамлакатлари сафига кирувчи Ҳиндистонда ҳам парламент сайловларига 19 апрелдан старт берилди. Мамлакатдаги сайлов жараёнлари ўзига хос тартибда бўлиб ўтади. Апрель ойида бошланган сайловлар етти босқичда бўлиб, 1 июнгача давом этади. Ҳиндистон парламенти икки палатадан иборат бўлиб, унинг қуйи палатаси Лок Сабҳа, деб аталади. Унинг аъзолари сони 543 нафар ташкил қилади. Ҳозир амалдаги парламент мамлакат тарихидаги 17-чақириқ ҳисобланади ва унинг ваколат муддати 16 июнда туғаша белгиланган.



Кўпчиликда сайловлар нега бунчалик узоқ муддат давом этади, деган савол туғилиши табиий. Чунки Ҳиндистондаги бу йилги сайловларда тахминан 970 миллионга яқин сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Яъни, 2019 йилги сайловга нисбатан қарийб 150 миллион кишига кўп. Бу дунё аҳолисининг деярли 10 фоизидан кўпроғи ушбу жараёнларга тортилади, дегани. Масалан, сиёсий жиҳатдан энг муҳим штатлар қаторига кирувчи Уттар-Прадешда 240 миллион киши етти босқичда овоз беради. Ҳиндистоннинг энг кўп аҳоли истиқомат қилувчи ушбу штатига Лок Сабҳадан 80 та ўрин ажратилади. Қолаверса, Ҳиндистонда маҳаллий байрамлар кўпчилиги, географик тузилиши ва сайловларда электрон овоз бериш машиналаридан фойдаланиш омиллари ҳам муддатнинг чўзилишига таъсир кўрсатади.

## САЙЛОВ ТИЗИМИ

Ҳиндистон Конституциясининг 83-моддасига биноан Лок Сабҳага сайловлар ҳар беш йилда бир марта ўтказилиши шарт қилиб белгиланган. Сайланган 543 депутатнинг барчаси бир мандатли сайлов округлари бўйича сайланади.

Қонунчиликка кўра, Ҳиндистонда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ҳам осон эмас. Фуқаролар овоз бериш жараёнларида иштирок этиши учун камида 18 ёшга тўлган, овоз бериш учун рўйхатдан

ўтган, яъни исми сайловчилар рўйхатига киритилган, Ҳиндистон сайлов комиссияси томонидан берилган ҳақиқий сайловчи идентификаторига ёки унга тенглаштирилган картага эга бўлиши керак. Шунингдек, сайлов ёки бошқа ҳуқуқ-бузарликлар учун судланган шахслар овоз беришдан четлаштирилади. Чет эл фуқаролигига эга ҳиндларнинг ҳам овоз беришлари тақиқланган. Бундан ташқари, Ҳиндистондан ташқарида истиқомат қилувчилар овоз бериш жараёнида иштирок этиши учун албатта ўз юртига қайтиб келиб овоз бериши лозим бўлади.

ЛОК САБҲА САЙЛОВНИНГ  
ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Мамлакат қонунчилигига кўра, Бош вазир амалда катта ваколатларга эга. Ўз навбатида Бош вазир номзодини Лок Сабҳага кўпчилик овозини қўлга киритган партия ёки коалиция кўрсатади. Бунинг учун қуйи палатадан 272 ва ундан кўп ўрин олиш керак бўлади. Амалдаги ҳукмрон Бхаратия Жаната партияси ўтган охириги сайловда 303 та ўринни қўлга киритган.

Сайловнинг аҳамиятини оширадиган яна бир омил унинг қимматлигида. Тадқиқотларга кўра, Ҳиндистондаги сайловлар дунёдаги энг қиммат сайловлар бўлиб, сиёсий партиялар 2019 йилги парламент сайловларида тахминан 7 миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлаган. Жорий сайловларда бу харажат-

лар икки баравар ошиши кутилмоқда.

Сайловолди жараёнларида қизик бир ҳолат юз берди. 2024 йил март ойида Ҳиндистон Олий суди Миллий Конгресс партиясининг электрон овоз бериш машиналаридан фойдаланишни тўхтатиш ҳамда 1990-йилларнинг охиригача сайловларда қўлланилган қоғоз бюллетенларига қайтиш ва уларни қўлда санашга ўтиш тўғрисидаги илтимосини рад этди.

Бир миллиондан ортиқ сайлов участкаларида 5,5 миллионга яқин электрон овоз бериш аппаратларидан фойдаланилади, 15 миллион сайловчи ва хавфсизлик ходимларига сайловни назорат қилиш вазифаси юкланади.

Бхаратия Жаната партиясига асосий муҳолифат бўлган Ҳиндистон Миллий Конгресси мамлакатда ўнлаб йиллар етакчилик қилган. Бироқ у кетма-кет икки миллий сайловда катта муғлубиятга учради. Жумладан, 2019 йилги сайловда 52 та ўринни қўлга киритган.

Баъзи экспертларнинг фикрича, бу йилги Лок Сабҳага сайловлар 2019 йилгига нисбатан анча шиддатлироқ курашлар остида ўтади. Улар бунга сабаб қилиб, амалдаги Бош вазир жаноб Модидаврида хинд миллатини мамлакатда етакчи қилишга уриниш кўп миллатли Ҳиндистон аҳолиси орасида диний ва этник зиддиятлар кўзга ташланаётганини кўрсатмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ.

БИНОЛАРНИНГ  
ЁНГИН  
ХАВФСИЗЛИГИ  
ҲАМ МУҲИМ

Давлат аҳамиятига эга бўлган, ҳудудларда янги қуриладиган, қайта таъмирланаётган бинолар лойиҳа ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормаларига мос бўлиши керак.

Шунингдек, қурилиш объектларининг ёнгинга қарши ҳолатини яхшилаш ҳам эътибор марказидан четда қолмаслиги лозим. Бу эса давлат ёнгин назорати ходимлари, қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи қурилиш трестлари ва бошқа дахлдор корхона-ташкilotлар олдиға муҳим ва ўта масъулиятли вазифаларни қўяди.

Хатирчи туманида ҳам сўнгги йилларда бир қатор маҳалла бинолари, умумтаълим ва даволаш муассасалари, болалар спорт мажмуалари, маъмурий-маиший ва савдо объектлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Объектлар қурилиши давридан то қуриб битказилгунга қадар давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Буюртмачи, қурувчи ва келгусида фойдаланувчи ташкilotлар билан ҳамкорликда амалий-ташкilotий ишлар йўлга қўйилган.

Қурилиш объектларида ўтказилган мониторинг ўрганишлар жараёнида тегишли таклиф-тавсиялар ҳамда амалий кўмак бериб борилмоқда.

М.ЎРАЛОВ,  
Хатирчи тумани ФВБ бошлиғи  
Ўринбосари, капитан,  
А.ҲАЗРАТОВ,  
туман ФВБ катта инспектори,  
оддий аскар.

Ўзбекистон Халқ демократик  
партиясининг Сайловолди  
дастурига

## "Энг яхши таклиф" онлайн танлови

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурини фуқароларнинг таклифлари асосида шакллантириш ва халқчиллигини таъминлаш мақсадида республика миқёсида "Энг яхши таклиф" онлайн танловини эълон қилади.

Танловдан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий масалаларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳаётий таклиф, ғоя ва ташаббуслар асосида сайловолди платформасини шакллантиришдир.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан ошган барча фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Таклифлар xdp.tanlov@gmail.com электрон почта манзилига хат юбориш орқали, шунингдек, Google forms дастури орқали (<https://forms.gle/v4e4hEmbHx7LjZeR7>) қабул қилинади.

Танлов жорий йилнинг 1 май кунидан бошланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловларга старт берилган кунгача давом этади.

Ташкилий қўмита.

МУАССИС:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 437. 3557 nusxada bosildi. O'za yakuni —

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:45

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA